

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУСИҚА, БАДИЙ ГРАФИКА ВА МЕҲНАТ ТАЛИМИ
ФАКУЛТЕТИ**

**“КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”
КАФЕДРАСИ**

**Фан : «Машинасозлик технологияси асослари»
фанидан**

КУРС ИШИ

**Мавзу: КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Бажарди: Ахмаджанов Умар

Илмий раҳбар : Захидов С

Самарқанд - 2012

**Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети Мусиқа,
бадиий графика ва меҳнат талими факултети “Касбий таълимни
ўқитиш методикаси” кафедраси 403 - курс талабаси
Ахмаджанов Умарнинг**

**Машинасозлик технологияси асослари»
фанидан бажарган курс ишининг таҳлили юзасидан**

ҚАЙДНОМА

Сана_____ 2012 й.

Эшитилди: _____

**Берилган
саволлар** _____

**Сўз
чиқди:** _____

Таҳлил юзасидан хуноса ва баҳо

Аъзолари.

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Мавзу: КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Кириш

I. Конструкциялар ҳақида умумий маълумотлар

1.1.Асосий қоидалар

1.2.Конструкцияларнинг технологиябоплигини баҳолаш

**1.3.Йигиш шароитлари нуқтаи –назаридан конструкциянинг
технологиябоплиги**

II. Конструкцияларнинг ясашдаги технологиябоплиги

**2.1 Кесиб ишлаш нуқтаи –назардан деталларнинг
технологиябоплиги**

2.2. Қуйма деталларнинг технологиябоплиги

**2.3.Бошқа ишлов усуулларида конструкцияларнинг
технологиябоплиги**

2.4.Пластмасса деталларнинг технологиябоплиги

**2.5.Конструкция технологиябоплигининг технологик таннархга
таъсири**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Кириш

Мамлакатимиз мустақиллика эришгандан кейин “ Таълим тўғрисидаги қонун,” Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди.

Дастурнинг асосий мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини яратишдан иборатdir.

Маълумки, мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш илмий техникавий тараққиётни жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда машинасозлик саноати муҳим ўрин эгаллади.

Машинасозликнинг вазифаси халқ хужалигининг бутун тармоқларини юқори самарали машина ва жиҳозлар билан таъминлашдан иборат.

Шунинг учун республикамизда жиҳоз, машина ва асбобларнинг янги хилларини ишлаб чиқариш йилдан йилга кенгаймоқда, уларнинг техникавий даражаси ва сифати ошмоқда, уларни тайёрлаши осонлашмоқда.

Турли материаллардан олинган заготовкаларни улардан кесувчи асбоб ёрдамида қиринди ажратиш йули билан керакли шакл улчамларга келтириш учун хизмат қиласиган қурилмага дастгоҳлар дейилади.

Турли конструкцияли дастгоҳлар мавжуд бўлишига карамай, ҳар бир станокда двигатель узатмалар ва иш берувчи механизмлари бўлиб, улар ўзаро узвий боғланган.

I БОБ . Конструкциялар ҳақида умумий маълумотлар

1.1.Асосий қоидалар

Техника тараққиёти машиналар конструкциясини тежамкорлик ваишлатиш кўлайликларини кўзда тутган ҳолда узлуксиз ривожлантиришни талаб қиласди. Конструкциянинг технологиябоплиги деганда буюм (машина) нинг маълум бир қатор хусусиятлари тушинилади. Бу хусусиятлар буюм (машина)ни ишлаб чиқаришга техник тайёргарлик кўришда, ишлатишда ва таъмирлашда материал, меҳнат воситалар ва вакт сарфланади оптимал даражада бўлишини таъминлаш керак. Айтилан сарфларнинг ҳар бири технологиябопликнинг бир кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни баҳолашда тайёрланаётган буюмнинг кўрсаткичларига асосланади. Шундай қилиб, технологиябоп конструкция кўрсаткичларига асосланади. Шундай қилиб, технологиябоп конструкция ишлатишдаги юқори кўрсаткичлар билан бир қаторда буюм (машина) ни ясашда энг кам меҳнат ва материал сарфига ва таннарх сифатларига эга бўлиши керак.

Буюм конструкциясини технологиябоп қилиб ишлаб чиқиш ўз ичига қатор тадбирлар мажмуасини олди. Бу тадбирлар технологиябопликнинг аввалдан танланган кўрсаткичларини таъминлаш керак. Бу ишлаб чиқиш узлуксиз жараён бўлиб, конструкция танлашнинг биринчи босқичларидан бошлаб буюм тайёр бўлишигача, ҳатто ўз жойига ўрнатилиб, ишлашгача оралиқда давом этади. Лойиҳалашнинг дастлабки босқичларида технологиябоплик конструкциялар билан технологларга, кейинги босқичларда ишлаб чиқарувчилар техник назоратига боғлиқ. Шундай қилиб, технологиябоп конструкцияни ҳамма имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга, корхонанинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини кўтаришга қаратилган тадбирлар ҳисобига ишлаб чиқиласди.

Машиналарни лойиҳалашда шуни ҳисобга олиш керакки, ишлаб чиқариш техникасининг ривожи конструкцияларнинг технологиябоплиги даражасига таъсир этади, унинг ҳам ўзгаришни тақозо этади. Масалан, агар бир детал оқим қаторда ишланса ва унинг конструкцияси технологиябоп ҳисобланса, уни оқимли қатордан автоматлаштирилган қаторга ўтказилганда аввалги сифатлари энди ярамай қолади, шунинг учун технологиябоплигини янги шароит учун бошқатдан ишлаб чиқиш керак. Ялпи миқиёс чиқариладиган буюм конструкциясини тайёрлашда икки асосий масала ҳал қилинади:

- 1) буюм меъёрида ишлашини таъминлайдиган ҳамма техник талабларни бажариш;**
- 2) ишлаб чиқариш технологияси талабларини кўриниши.**

Конструкция технологияболигини қўйидаги кўринишлари бор.

- 1) буюмни ясашга оид бўлган ишлаб чтқариш технологиябоплиги;**
- 2) буюмни таъмирлаш ва ишлаш даврида техник ўтказиш ва таъмирлаш маъносидаги ишлатиш технологиябоплиги**

Буюм конструкциясини ишлаб чиқишида қўйидаги ишлар бажарилди;

- 1) буюм тузилишини (компоновкасини) соддалаштириш; 2) буюмни йигиш ва ростлаш қулайлиги жиҳатидан конструкцияни бўлакларга ажратиш; 3) буюмнинг бўлакларини бир вақтда йигиш имкониятини таъминлаш; 4) буюм таркбига кирадиган деталларни камайитириш; 5) содда шаклии деталларни қўллаш; 6) қўлланиладиган материалларни бир хилга ва бунда буюмнинг ишончлилигини ошириш, технологиябоп заготовкалардан фойдаланиш; 7) конструкторлик асос

(база) ни танлаш ва буюмни тайёрлаш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ўлчамларни қўйиб чиқиш; 8) деталлар юзасининг ғадир – будурлиги қандай даражада бўлишини, ўлчамларга бериладиган ва деталлар алмашиниши иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлишини таъминлайдиган жоизликларни танлаш; 9) буюмнинг маромида ишлашни таъминлайдиган йиғма тирқишлир (монтажные зазоры) ва қотириш кучларини белгилаш; 10) деталлар ва уларнинг элементларини, йиғма бирликларни, агрегатларни, мосламалар ва шу кабиларни стандартлаштириш ва бир хиллаштириш; 11) конструкцияни ростлашга қулайликлар ярати; 12) назорат имкониятларини яратиш; 13) конструкцияга мавжуд асбоб-ускуналарни қўллаш имкониятларини таъминлаш

Бу каби талабларни вазиятдан келиб чиқиб давом эттириш мумкин.

Конструкцияни технологик жиҳатдан ишлаб чиқишига қўйидагилар киради. 1) ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган ва замонавий талабларга жавоб берадиган конструкциялардан фойдаланиш; 2) ишлов бериш ва йиғишнинг замонавий, юқори унумли автоматлаштирилган ва бошқа технологик жараёнларини қўллаш; 3) буюм ясашда берилган аниқлик ва сифатини таъминлаш; 4) буюмни ясашда материални кам сарфланишни таъминлаш; 5) детал аниқлиги ва сифатини назорат этишнинг энг яхши усуллари ва воситаларини қўллаш.

Буюмни ишлатиш нуқтаи –назарда тайёрлаш қўйидагилардан иборат. Ишлашда ишончлилиги ва таъмирбоплиги осонлиги ва арzonлиги енгиллиги.

Машина механизм, йиғма бирлик ёки детал конструкцияси технологиябоплигини оширишда қўйидаги асосий қоидаларга эътибор бериш зарур.

1. Конструкция, деталга ишлов бериш ва уни йиғишнинг юқори унумли, иқтисодий жиҳатдан асосланган технологик жараёнларни қўллашга имкон берсин. Бундай жараёнлар катта харажатларни талаб қиласди. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг бир турига хос бўлган конструкция, технология жиҳатидан бошқасига мос келмаслиги мумкин, яъни технология тўғри келмайди. Кам миқиёсда ишлашдан катта миқиёсга ўтилганда, одатда, конструкция жиддий ўзгартирилади, баъзи ҳолларда эса тубдан қайта ишлаб чиқилади.

Конструкциянинг технологиябоплигини асос (база) кўрсаткич орқали баҳоланади. Бу кўрсаткич қиёси таққослашда дастлабки кўрсаткич бўлиб хизмат қиласди.

2. Конструкция технологиябоп нақтаи-назардан ишлаб чиқилаётганда буюмга яхлит нарса, деб қараш керак, чунки деталларнинг технологиябоплигини айрим –айрим ҳолда таъминлаш кутилган бермаслиги мумкин.

Қўйилган масалаларни ҳал қилишда буюм конструкциясининг давомийлиги (премствекнность) ва бир хилга келтирилиши жиддий аҳамиятга эга. Бир хил вазифалар учун мўлжалланган, бири иккинчисидан айрим қисми ёки детал билан фарқ қиласидиган қатор қиласидиган конструкциялар асосиз равиша турлича бажарилган. Бундай конструкцияларни жойлашда уларнинг Умумий белгиларини топиш

Шундай қилиб конструктив давомийлик деганда мавжуд конструкцияларга ечимлардан лойиҳаланаётган конструкцияларда фойдаланишга айтилади. Шунда турли машиналар конструктив ечими жиҳатидан бир хил бўлиб, қолади. Янги технологик талаблар қўйилгандагина конструкция қайтадан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда янги техник шароит талабини қондириш учун мавжуд машина конструкциясига арзимаган бир ўзагриш киритиш кифоя.

Конструкциялар ишлаб чиқишидаги бу йүналиш янги машина ишлаб чиқариш муддатини, нархини камайтиради, корхона смарадорлигини оширади.

1.2.Конструкцияларнинг технологиябонлигини баҳолаш

ГОСТ 14.201-73 га биноан технологиябопликни ишлаб чиқиш меҳнат унумдорлигини оширишга, лойиҳалаш қийматга вақтини камайтиришга, корхонани технологи жиҳатдан тайёрлашга, маҳсулотни ясашга техник хизмат кўратиш ва таъмирлашга, айни пайтда унинг сифатини оширишга қаратилган.

Конструкциянинг технологиябоплиги кўрсаткичлар мажмуаси орқали баҳоланади. Мажмуа асосий ва қўшимча кўрсткичлар (техинк – иқтисодий ва тезлик) дан иборат.

Асосий кўрсаткичларга буюм ясаш қийинлиги ва технологик таннархи киради. Кейинги сотиб олинган тайёр деталалрни ҳисобга олмасдан буюмни ясаш технологик жараёнига кетадиган харажатдан иборат. Унинг таркибиға қуидагилар киради; материаллар нархи, ишчиларнинг маоши (турли ажратмалар билан бирга), ускуналар, асбоблар ва мосламалар учун амортизация ажратмас, мойлар, артиш совитиш материалларининг нархалари.

Текис –иқтисодий кўрсаткичлар меҳнат сарфи ва таннархнинг нисбий ва солиштирма қийматлари билан аниқланади.

Техник кўрсаткичларга қуидаги коэффиценти – буюмнинг бир хилга келтирилган йигма қисмлари ва бу қисмга ва деталларнинг умумий сонига нисбатан билан аниқланади (бунда қотиувчи стандартлаштириш деталлар ҳисобга олинмайди); 2). буюмни стандартлаштириш коэффиценти; 3) намунали технологик жараёнларни қўллаш коэффиценти; 4) материаллардан фойдаланиш коэффиценти; 5) ишловнинг аниқлик коэффиценти%; 6) юзанинг ғадир-будурилик коэффиценти ва шу каби.

Буюмни ясаш меҳнат нуқтаи –назардан конструкция технологиябоплиги даражаси амалдаги сарфнинг қийинликка нисбатан билан аниқланади.

Буюмни ясаш таннархи нұқтаи-назардан конструкция технологиябоплигини даражаси амалдаги таннархи меъёрий таннархга нисбат билан аникланади.

Конструкциянинг технологиябоплигини ишлаб чиқишида ва ундан кўп хил конструкция таққосланади. Технологиябопликнинг энг яхши мезон буюмни ясаш нархи ҳисобланади, бошқа кўрсаткичлари тўлиқ тасавур ҳосил қила олмайди. Ишчиларнинг иш ҳақи асосий кўрсаткич ҳисобланади. У буюмни ясаш қийинлигига биноан аникланади.

Детал ясашдаги меҳнат сарфи заготовкага, турли ишловларга сарфлар киради. Умумий меҳнат сарфи ҳар бир детални ясаш, уларни йиғиш ва синаш, буюмни тайёр ҳолга келтириш ва синаш сарфидан иборат.

Механик ишлов бериш ва йиғишида меҳнат сарфи бир хил бўлган буюмларда бири иккинчисига барқарор ботиқлик ва улар ўртасида маълум муносабат бор. Бу ишлар нафақат меҳнат сарфи билан, балки деталлар шаклининг соддалиги, йиғиш ишларидаги қулайлиги билан ҳам тавсфиланадики, булар ҳам конструкция технологиябоплигининг сифат кўрсаткичларидан ҳисобланади.

Буюм массаси. Конструктор, буюм массасасини иложи борича кам қилишга интилади. Бунинг учун у ҳисобни аниқ бажаради, деталнинг турли кўринишлари ичидан заготовканинг ишловига энг кичик қўйим бериладиганини, юқори мустаҳкамликка эга бўлган материаллари таклиф қиласи. Аналитик ҳисоблар билан деталда пайдо бўладиган ҳақиқий кучланишини аниклаш натижасда конструктор деталнинг ўлчамлари ва шаклини олади, демак унинг массасасини ортиқча заҳира бермасдан била олади. Масалан, юқ автомобилининг ясаш учун меҳнат сарфи унинг деталлари тўплами кесиб ишлов бериш меҳнат сарфи ўртасида тўғри нисбатан бор.

Ишлаб чиқариладиган буюмлар массасига кўра конструкциясининг технологиябоплиги нафақат ишлаб чиқариш технологияси билан, балки

ишлатиш технологияси билан ҳам тавсифланади. Маълумки, автомобильнинг оғирлиги катта бўлса, унинг ҳаракатига катта қувват керак. Шунинг учун буюмнинг материал сифими (m) муҳим кўрсаткич ҳисобланади. У автомобильнинг умумий массасасини қувватига нисбатан билан ўлчанади.

$M=M / H$

Мисол. Бир йилда чиқарилган, бир хил қувватга эга бўлган ($H_{a1} = H_{a2} = 51,8$ кВт) иккита енгил автомобильнинг материал сифимини таққослаймиз. Улардан бирининг массасаси $m = 900$, иккинчисиники - 700 кг; Бу рақамлардаги формулага қўйиб ҳисобланаймиз:

$$m_1 = 900 / 51,8 = 17,4 \text{ кг/кВт}; \quad m_2 = 700 / 51,8 = 13,5 \text{ кг/кВт}$$

Ҳосил бўлган рақамлардан кўринадики, биринчи автомобил конструкциясининг технологиябоплиги камроқ экан.

Йиғма қисмлар ва деталларнинг ўзаро алмашинувчанлиги

(взаимозаменаемость) Оқим усул билан ишлаб чиқариш шунга асосланган. Акс ҳолда буюмни ясаш қийинлиги ортади, чунки йиғиш ишларида деталларни ўз жойига мослаб қўйиш усули қўлланилади.

Юзаларнинг сифатини ва аниқлигини юқори даражада тайёрлаш мумкин бўлса, ўзаро алмашувчан деталлар ясаш имкони ва йиғишни алмашинувчанлик асосида, оқим қатор усулида ўтказиш имкони яратилади. Мослаб қўйиш (пригонка) усули автомобилларни ясашда конвейр ишига ҳалал беради, таъмирлаётганда эса, деталларни ясашда алмаштириш ишларини мураккаблаштиради.

Машинасозликнинг турли тармоқларида берилган аниқликга эришиш учун турлича усуллар қўлланилади. Автомобилсозликда бундай усул тўлиқ алмашинувчанлик усули ҳисобланади. Йиғувда тўлиқ бўлмаган алмашинувчанлик ҳам қўлланилади. Детал ейилгандан кейин

ўрнига янгисини мосланмайгина (без пригонка) қўйилади. Бироқ юқори аниқлик (2 -3 мкм) билан туташтирилгандаған баъзи деталларни йиғишида гурух (тўплам) нинг ўзаро алмашинувчанлиги усулидан фойдаланилади. Юқори аниқликдаги деталларни ялпи ишлаб чиқариш анча қийин. Шунинг учун улар каттароқ жоизлик билан ясалади ва ўлчамлар чегарасига ва туташувчи деталлар гурухига қараб сараланади. Поршенлар ва поршен бармоқлари шундай тайёрланади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ўлчамларнинг аниқлиги қанчалик юқори бўлса, деталлар ясаш шунчалик қийин, демакки, автомобилнинг технологиябоплиги ҳам пастроқ . Уни юқорилатиш учун деталларга ишлов беришда, қисмларни йиғишида мустақиллик қоидаси қўлланилади.

Йиғма қисмлар ва деталларни бир хиллаш. Бу автомобил конструкциясининг технологиябоплигини оширади . Бир хиллаш контсруктив еичмларни, маҳсус расмий хужжатлар тайёрлаб ўтирмасдан, умумлаштирилади. Нормаллаштириш (нормалар: болт гайка, подшибник ва ш .к.) контсруктив еичмларни завод ва муассаса миқиёсида умумлаштиради. Стандартлаштириш ҳам ўша маънога эга яъни конструктив еичмларни умумлаштиради, факат, буниси давлат миқиёсида бўлади.

Нормалаштришда йиғма қисмлар, деталлар ва унинг конструктив элементлари, материаллар тури ва шу кабилар қамраб олинади. Бир хилга келтирилган йиғма қисмлар ва деталлардан фойдаланилган, лойиҳалаш ишлари осонлашади, ясашда меҳнат сарфи кенгроқ юқори унумли усукналардан, стандартлашган асбоблардан кенгроқ фойдаланиш имкони туғилади. Бунинг автомобиллни ишлатиш жиҳатидан ҳам имтиёzlари бор: эҳтиёж қисмларнинг турлари камаяди, таъмиrlаш меҳнат сарфи (қийинлиги) пасаяди. Масалан, юқ автомобиллари ва автобусларнинг бир қанча русумларига бир хил двигател, рул механизми, электр асбоблари, подшибниклар қотиравчи

деталлар ишлатилади. Шу йўл билан автомобиллар ясашни осонлаштириш, арzonлаштириш, ҳамда русумларни кўпатириш мумкин.

Бир хил келтирадиган деталлар ва жойлар кўп. Масалан, тешиклар ва валлар диаметри, уларнинг жоизлиги, болтларнинг диаметри ва узунлиги резбали, шлицали ва шпонкали уланмалар, тишли ғилдиракларлар модули, заготовкаларнинг русумли ўлчамлари ва бошқалар.

Қайси бир автомобиль, йиғма бирлик, детал ва унинг элементларининг бир хиллаш коэффиценти кўп бўлса, ўша конструкция кўпроқ технологиябопли ҳисобланади.

1.3. Йиғиш шароитлари нұқтаи –назаридан конструкциянинг технологиябонлиги

Технологиябоплик йиғма бирликтарга ҳам хос хусусиятдир. У йиғма бирликни ишлаб чиқаришга техник тайёрлаш, ясаш, ишлатиш ва таъмирлаш жараённанда бўладиган меҳнат, воситалар, материаллар ва вакт сарфида намоён бўлади.


Конструкцияни ишлаб чиқишда йиғма бирликка кирадиган деталлар сони энг кам миқдорда бўлишига интилмоқ керак. Бунинг учун йиғма бирлик ёки механизмнинг энг оддий схемасини танлаш ёки бир нечта детални битта, технологиябопроқ детал кўринишга келтириш керак. Буюм конструкциясининг технологиябоплиги алоҳида деталлар ва агрегатларнинг ўз жойига мослаб ўтирмай (без принтонки) , бир – бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ва бирваракайига йиғиш имконини бериши керак. Бунинг учун буюмни мустақил бирликлар ва агрегатларга яхшилаб ажратиш керак.

Йиғма бирликлар ва агрегатлар конструкциясининг технологиябоплиги йиғиш циклини қисқартиради, йиғиш амалларини ихтисослаштиради, йиғиш қийинлигини камайтириш ва йиғувчилар малакаси жуда юқори бўлишини талаб қилмайд.

Йиғиш ишлари сода ва йиғув ўринлари кулай бўлиши керак. Йиғувнинг оддийлиги, деталларни бир –бирига улашнинг соддалиги, махсус технологик асбоб-ускуналар талаб қилинмаслиги билан ўлчанади.

Йиғувдаги қулайликлара конструктив усуллар билан эришиш мүмкін. Агар туташтирувчи ва бири иккінчісига күч билан киритилувчи мүмкін. Агар туташтириувчи ва бири иккінчісі күч билан киритулувчи деталларда рах (яссалнган қирра, фаска) ва йўналтирувчи қисм бўлса, йиғув иши осонлашади. Яссалнган қирралар резбали қирралари ҳам бўлиши керак, бу ҳам йиғувни осонлаштиради.

Агар детал йиғувда турли юзалари билан ўрнига тушурилиши лозим бўлса (7.1. расм), иккала юза (б ва Д) ни бирданига тушуриш қийин (7.1. г расм) шунинг учун конструкцияни шундай ясаш керакки, деталлар аввал бир юзаси билан сўнг иккинчи юзаси билан туташтирилсин (7.1, б расм). Агар йиғувда деталларни қимиirlамайдиган қилиб ўрнатилса, унда деталларни шу (қимиirlамайдиган) минтақада иложи борича камрок суриш керак. Буни конструкцияни ўзгартириш билан эришса бўлади.



7.1-расм. Поронали вални коргусга жиритиш:
а-технологияга хилоф; б-технологиябоод


Серияли ва ялпи ишлаб чиқаришдаги йиғувда айрим деталлар ёки туташувчи деталларнинг механик ишловига қўшимча қилиш мумкин эмас. Йиғув нуқтаи-назаридан технологиябоплиги корхона турига жавоб бериши керак. Йиғувда тўлиқ ўзаро алмашувинида бирикмалар иложи борича кўп бўлишига ҳаракат қилиш керак. Шунда йиғув жараёни ва машина таъмири соддалашади. Конструкцияда йигма тирқишлиар ва таранглик (натяг) лар иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Жуда ҳам қаттиқ талаблар йиғув ва кесиб ишлашни мураккаблаштиради, тирқишлиарни кўпайтириш эса, машинанинг ишдаги кўрсаткичларини ёмонлаштиради. Бу масала ўлчамлар таҳлили орқали оптималь ҳал

қилиш мумкин. Ўлчамлар таҳлилига қараб, қўпинча ўзгариш киритишга, ўлчамлар ва жиҳозликларни чизмада кўрсатиш тартибни ўзгартиришга, тузатувчилар (компенсатор – қистирма, ҳалқи, мурват, тиқим ва ш.к.) киритишга ва бошқа чоралар қўллашга тўғри келади.

Йиғув нуқтаи назардан конструкциянинг технологиябоплиги йиғма бирликлар конструкцияси элементларини тўғри танлаш билан тавсифланади. Масалан, деталларни бирор текислиги бўйича ўзаро қотириш бирдаги бўртма, иккинчисидаги ариқча ёки чуқурча ёрдамида амалга оширилади. Бунда пона, цилиндрический ёки конуссимон штрифт, маҳсус, ўрнатувчи болтлар, втулкалар ва шу кабилар фойдаланилади. 7.2. а расмдаги конструкцияни таҳлил қилиб, айтиш мумкин, у йиғув нақтаи – назардан етарли технологиябоп, бироқ бўртма ёки ариқчани очиш ва уларга ишлов бериш қийинчилик тўғдиради. Шунингдек «а» ва «в» юзаларнинг жипслашувига эришиш ҳам қийин: Деталларни шпонка ёрдамида қотиришда (7.2. б расм) механик ишлов бериш содалашади, чунки ариқчаларга ишлов беришда ўлчов асбобларини ишлатиш, шпонканинг кўндаланг юзаларини эса силлиқлаш мумкин. Ҳар қайси усулнинг ўзига яраша камчилиги бор ва уларни қўллашда уланувчи деталларнинг ўлчамлари ва шакллари, ишлаб чиқариш тури ва шу каби бошқа омиллар ҳисобга олинади. Йирик гурухли ва ялпи ишлаб чиқаришда қўшимча детал ишлатилишига қарамай шпонка ёрдамида улаш маъқул.

Деталларни штиф ёрдамида маҳкамлаш, анча оддий усул ҳисобланади, леки йиғувда уланувчи кетадиган тешикни бир варакайига очиш ёки кенгайтириш лозим. Уланишнинг бу усули технологиябобликни камайтиrsa ҳам тез – тез қўлланиб туради. Конуссимон штифт билан улаш ишончлироқ, лекин унинг ўзини ва тешигини ишловдан чиқариш цилиндрический штифт усулига қараганда анча мураккаб. Уланадиган деталлар катта кучлари узатадиган бўлса,


штифт ёрдамида улаш тавсия этилмайди, чунки у иш жараёнида синиб кетиши (рез) мумкин.



7.2-расм. Деталларни ўннатишда қотириш:
а-технологияга хилоф; б-технологиябоп

Ўрнатувчи болтлар ёрдамида улаш юқоридаги усуллардан афзаллароқ, чунки бунда деталларни қатыйй бир хил ҳолатга келтириш ва қотириш (улаш) ишлари бирданига ҳал бўлади: Деталларни втулка ёрдамида улаш 7.3. расмда кўрсатилган. Бу усул ўрнатувчи болтлар усулига қараганда мураккаброқ, лекин катта кучларга бардош бера олади. Деталларни валга ўрнатишда уларнинг қатыйй бир ҳолатини белгиловчи элементлар конструкциясининг технологияпоблиги масаласини қўйидаги масаласини қўйидаги мисолда кўриш мумкин. Вал бўйлаб сурилиб кетищдан гайкалар ёрдамида сақланиш 7.4. а расмida кўрсатилган . Бу конструкцияни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, бундай улаш анча мураккаб, чунки валнинг сиртида резба очиш ва қотириш учун учта детал тайёрлаш керак. Бу усулни пуржинасимон ҳалқа ишлатиб, анча соддалаштириш мумкин. (7.4, б расм), лекин кучлар таъсир қилганда ҳалқа бардош бера олмайди.

Булардан ташқари вал, бўйлаб сурилишдан сақланиш учун штифт ва ўрнатувчи ҳалқа, валнинг ариқчасига кириб турадиган ўрнатувчи мурват, шайба ва ажратувчи (разводной) штифт, учлик (валнинг учига қўйилади – концевая) шайба, маҳсус учлик мурват ва бошқа конструкциялардан фойдаланиш мумкин.



7.4-расм. Деталларни валнинг ўзи бўйлаб сиджинидан асрав: а-технологияга хилоф; б-технологиябони

Ўрнатувчи мурват ёрдамида қотириш фақат уланма катта бўлмаган, кучларни ўзатсанг қўлланилади. Квадрат ёки тўлиқ доира бўлмаган, кўндаланг кесмлар билан ўрнатиш усули технологияпоб эмас, мураккаб шакли маҳсус юзаларни тайёрлаш қийин, ундан тشاқари йигув аниқлиги пастроқ юради. Бу усуллари агар детал иш давомида тез – тез ечилиб турсагина қўлланади. Детални валнинг конусли юзасига ўрнатиш ҳам мураккаб чунки, деталдаги конус тешик ва валнинг бир – бирига мослаштириш у чун икковига бараварига аниқ ишлов бериш керак. Бу усул фақат тирқишиз аниқ йигув ишларида қўлланилади.

Корпусли деталлар, ичига втулка ўрнатилганда уни ўрнатувчи радиал ёки кўндаланг юзасига мурват, цилиндрический штифт ёрдамида қотирадиган ёки втулка иккига ажralадиган корпусга ўрнатилади, ўзини уриб ҳам киритилади. Дастребаки уч усул нокулайроқ, чунки тешикларни бир – бирига мослаб ишлов бериш қийин. Икки бўлакдан иборат втулкаларни алоҳидаҳолатларда тирсакли вал ва шу каби деталларни ўрнатишда қўллаш тавсия этилади.


Втулкани уриб киритиш сифатли ва технологияпоб усул бўлиб, машиналар выя ускуналар конструкциясида кенг қўлланади.

Гайка ва болтларларни қотириш учун контргайка, айрисимон шплинт, пружинали шайба; махсус гайка кабилар қўлланилади.


Корпусли деталларга тебранма (зўлдирли) подшипник ўрнатиш учун корпуснинг махсус тайёрланган токчаси Ўўйиқ жойи) бўлиши керак. Пошипник ўрнатилгач, уни пружинали халқа, қўйма ёй штампланган фланец ва гайка билан қотирилади. Токчани кенгайтириб, подшипник ўрнатиш йифув нуқтаи назаридан қулай лекин кесиб ишлов бериш жиҳати билан технолоиябоп эмас (7.6, а расм). Пружинали халқалар билан қотириш қўллайроқ. (7.6, б, в расмлар)

Фланец билан қотириш мураккаб ва қиммат (7.6. а расм) бўлиб, подшипникдан катта куч ўтиб турсагина қўлланади. Подшипникнинг кўндаланг юзасига гайкани тираб қўйиб қотириш йўли кичкина подшипниклар учун яроқлидир. Корпусга ўрнатилган подшипникларни ростлаш учун кистирмалар, гайкалар (7.7, б расм) ва шайбали сикувчи мурватлар қўлланилади. Кистирмалар –энг оддий усулдир.

7.6-расм. Йўниб кенгайтирилган тешикда подшипникни маҳкамлаш:
а-тиргак бўйича; б-пружинали халқа билан;
в-иккита пружиналовчи халқа билан
7.7-расм. Подшипникларни валинг учидаги кўндаланг юза бўйича маҳкамлаш:
а-фланес бўлак; б-гайка билан.



Валларни тебранувчи подшипникларга бир неча усулда ўрнатилади. Иккала подшипник қимирамайди, икала подшипникнинг ташқи халқаси қимирамайди. Биринчи усул технологияпоб эмас, одатдан ташқари ҳолларда қўлланилади. (7,8, а расм) чунки бунда подшипниклар маромида ишламайди. Иккинчи усул курсатилган. Уни вал бўйлаб силжишни чеклаш учун қўллаш мумкин. Учунчи усулда битта подшипник қимирамайди, иккинчиси вал бўйлаб силжий олади, энг технологияпоб ҳисобланади. (7.8, в расм)




7.8-расм. Валларни тебранма подшипниклар билан йигитмас:
а-технологияга хилоф;
б-технологиябон.

Валларни конусли подшипникларга ўрнатишда икки ҳолат бор: вал айланади. Пошипникнинг ташқи ёки ички халқаси кўчли ўрнатувлардан бири бўйича жойланади, ҳалқа сирпанувчи ўрнатув билан жойлашади. Валларни зўлдирли, таянувчи подшипникларга ўрнатилганда радиал ва таянч подшипниклар бир –бирига боғлик. Зўлдирлар маромида

ишлайди. Күрсатылган ўрнатув мутлақо набоп, чунки бир йўла иккита подшипникни бир ўққа тушириш жуда қийин.

Машиналарни лойиҳалашда червякли ва конуссмон тишли жуфтларни ростлайдиган конструкциялар технологиябоп бўлишига алоҳида эътибор бермоқ керак. Бу икки хил жуфт ишлайдган ҳамма ҳолларда тишлилар бир –бирига яхши илашишини ҳеч қачон кесиб бажарилиши ҳисобига бажарилмайди. Жуфтлардаги уланиш йифув жараёнида ростланади ва бу иш технологиябоп бўлади. Ростлаш иш қистирмалар тиқни ёрдамида бажарилади.



**7.9-расм. Вални
тиргак подшипниклар
билин йигиш:
а-технологияга жилоф;
б-технологиябоп**

II-БОБ. Конструкцияларининг ясашдаги технологиябоплиги

2.1.Кесиб ишлаш нуқтаи –назардан деталларинг

технологиябонлиги

Детал конструкциясининг технологиябоплиги уни чиқаришга техник тайёргарликда, ясашда ишлатишда ва таъмирлашда меҳнат воситалар, материаллар ва вакт сарфининг энгкам микдорда бўлишини таъинлайдиган хусусиятлари билан тавсифланади.

Деталл конструкциясининг технологиябоплигига баҳо беришда, унинг бир нечта варианти меҳнат сарфи бўйича ўзаро таққосланади. Кесиб ишланадиган детал конструкцияси, заготовканинг шакли ва ўлчамлари билан тайёр деталга яқин бўлишини юқори самарали ишлов жараёнларини қўллашни таъминлайди. Технологиябоплик хусусиятига кўйиладиган асосий талаблар: 1) кесиб ишлов бериладиган юзаларнинг соддалиги; 2) юзаларнинг , ишлов бериш учун қўлай жойлашгани; 3) стандартлаштирилган ва меъёrlаштирилган кесув ва ўлчов асбобларидан максимал даражада фойдаланиш имконияти; 4) детал заготовкасини станокка ёки мосламага тез ва оз ўрнатиш имконияти; 5) деталнинг етарлича бикирлиги; 6) ишлов ва ўлчов жараёнларидан заготовкани ҳади ақал микдорда ўрнатиш имконияти; 7) массанинг заготовка ўқига нисбатан бир текис тақсимланиши.

Юқорида айтилганидек, детал шакли имкони борича сода бўлиши керак- кесиб ишлов бериш учун мураккаб конструкцияли маҳсус асбоб ясашга ёки маҳсус технологик жараён ишлаб чиқишига зарурат бўлмасин. Деталнинг нологиябоп конструкцияси чизмада ўлчамлар, жоизликлар ва ишланадиган юзаларнинг ғадир –будурлиги жуда яхши акс эттириши билан ҳам тавсифланади. Юзага берилган ғадир – будурлик даражасида заготовка материалининг ишланувчанлигини ҳисобга олиш керак. Масалан, кам углеродли (0,3 % гача) пўлатдан ясалган заготовкалар юзасига жуда силлиқ ишлов бериш мумкин

эмас. Бундай пўлатлар ёмон силлиқланади, ғадир –будурлиги Р₂ 2,5 мкм дан кам бўлмайди. Қаттиқроқ материалдан ясалган деталга кичикроқ нотекислик билан ишлов бериш мумкин. Масалан, қаттиқли НРС 45 га бўлган заготовкалар тишли асбоблар билан, ундан ортиқ қаттиқликга эга бўлганлари – ўта қаттиқ поликристали материаллардан ясалган кескич ёки чархловчи асбоблар билан ишланади. Алюминий қотишмасидан тайёрланган зоготовка, ишлов беришдан аввал, тобланади, эскиртирилади ёки кўйдириб юмшатилади.

Детал юзаси оддий бўлса, кесиб ишлаш ҳам сода бўлади, меҳнат сарфи камаяди, камроқ металл чиқиндига чиқан. Деталда керак бўладиган чукурликлари ва ариқчаларни шундай танлаш керакки, уларни доиравий фреза билан очиш мумкин бўлси, фрезаларнинг унумдорлиги учлик фрезаларга юқори. Корпус деталларга ишлов беришда унинг юзасига ва иккита технологик тешигига асосланиб бошланади. Тешиклар жоизликлар ва резбалар турли –туман бўлишига йўл кўймаган маъкул. Резба иложи борича икки томони очиқ тешикка очилсин, ташқи резба очиладиган бўлса, асбобни чқариб олиш учун ариқча бўлиши керак, у детал сиртида маҳсус бўртма кўринишида ясалади.

Кесиб ишланадиган деталлар конструкциясини яхшилаш ҳақида бир нечта мисол кўриб чиқамиз. Тишли ғилдиракнинг икки хил конструкцияси ғилдиракнинг диски, гупчаги (2) ва тишли гардиши (3) 00 ўқига нисбатан симметрик жойлашган, диск бир томонга силжиган.

Массаси нотекис тақисланган тишли ғилдиракга ишлов берганда титраш ҳосил бўлмаслиги учун симметрик тишларниги қараганда сустроқ суръат билан кесиш керак. Ундан ташқари, термик ишлов бериш жараёнида, аниқроғи, совитишда носимметрик тишли ғилдиракда кўпроқ шакл ўзгариши руй беради, чунки совитиш натижасида ҳосил бўладиган ички кучланишлар ғилдирак бўйича

тeng тақсимланмасдан, бир томонга кўпроқ таъсир этади. Симметрик ғилдиракнинг тешиги кам даражада ўзгаради. Хулоса қилиб айтганда носимметрик тишли ғилдирак технологияпоб эмас, уни ясаш қийинлиги ва таннархи симметрик ғилдиракка нисбатан юқори.

Тишли ғилдирак конструкциясининг технологияпоблигига баҳо беришда эътиборга олинадиган муҳим нарса, бу – гупчакнинг кўндаланг юзаси тишли гардишнинг худи шундай юзасига нисбатан жойлашгандир. Гап шундаки, биринчиси иккинчисига нисбатан туртиб чиқкан бўлса, бир нечта ғилдиракни устма – уст қўйиб, кесиш мумкин эмас, чунки таянч юзаси кам бўлганидан заготовка бир томонга озгина бўлса – да қийшайиб кетса, тишли ғилдиракларга ўтади.

2.2. Қўйма деталларнинг технологиябоплиги

Кўйиш- оқилона усуллардан бири бўлиб, мураккаб шаклли деталлар зоготовкасии тайёрлаш энг мақбул материални танлаш ва зоготовка массаси минимал бўлишини таъминлаш имкониятиг эга. Қўйма деталларнинг технологиябоплиги қўйидаги белгилари билан тавсифланади: қолипнинг иккита ажralадиган юзасини деталдаги бўртиб чиққан юзаларга мослаш имконияти, қўйишдаги асос юзани танлашда кесиб ишлашда керак бўладиган технологик асосни олиш, зоготовка қалинлигига кескин ўзгариш бўлмаслиги, металл бирерга тўпланиб қолмслиги ваш у кабилар.

Қолип яхши тўлдирилиши учун танланган металл ва қотишмалар эриганда яхши оқувчан бўлиши ва деталга кўйилган физик – механик талабларга жавоб бериши керак. Қўймалар технологиябоп бўлиши учун қиммат турадиган легирланган пўлат ва чўянни, мисс ва қотишмаларини ишлатиш ўрнига, арzonроқ ва таги мўл материалларни танлаш керак. Деталнинг қўйма конструкциясини ишлаётганда қолип бир екислик бўйича иккита механизациялаштириш мумкин. Қўйманинг ичи деворлари ташқисига қараганда юпқароқ бўлиши керак, чунки секин совийди. Деворлар туташган жойларда, бўртмаларда металл тўпланиб қолишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда ўша ерларда металл чўкиб чуқурликлар ҳосил бўлиши мумкин.

2.3.Бошқа ишлов усулларида конструкцияларнинг технологиябоплиги

Қиздирилган материалларни штамплаб зоготовка тайёрлашни лойиҳалаштираётгандан тайёр бўлган заготовкани штамп ичидан осонгина кўтариб олишни кўзда ттутмоқ керак, яъни қолип (штамп) ни ажратиш текислигидан тик йўналишда олиш зарур, чунки бу текислик тўғри ёки эгри чизиқли бўлиши мумкин.

Совуқ материалдан штамплаб тайёрланган заготовкаларга кесиб тушириш ёки тешиш, букиш, чўзиш, бўрттириш ваш у каби усуллар билан ишлов берилади. Чўзиб штампланган деталларнинг аниқлиги 8 квалитетга етади. Совуқ ҳолда штампланган деталларнинг технологиябоплиги қуйидагилардан иборат: детал шаклини штамплаш жараёнини соддалаштирадиган даражада танлаш; металл сарфини камайтириш; меҳнат сарфи ва таннархини камайтириш; детал материалининг физик – механик хоссалари чўзишга мослиги; детал чизмасидаги ўлчамларни технологик асосни ҳисобга олган ҳолда қўйиб чиқиш ва ҳакозо.

Термик ишлов бериладиган деталлар шаклида кескин ўтишлар, металл тўпланган жойлар, кесиб қўйиладиган жойлар, узун ариқчалар бўлмаслиги керак, чунки худи шундай жойларда қолдиқ кучланишлар пайдо бўлиб, деталда ёриқлар ҳосил қилиши ёки унинг шаклини бузиб ташлаши мумкин.

Пайвандланадиган деталлар конструкциясининг технологиябоплиги кўп жиҳатдан айрим жойлари эриш даражасига қиздириладиган материалнинг хоссаларига боғлиқ. Бунда металл таркиби, доналар ўлчами ўзгаради, фаза ўзгаришлари руй беради, натижада металлнинг физик - механик хоссалари ўзгаради. Пайванд чоклари атрофига катта миқдорда қолдиқ кучланишлар пайдо бўлиб, деталларни қийшайтириб юборади. Ёриқлар ҳосил қиласи. Бунга детал конструкцияси ҳам

сабабчи бўлади: қалинлиги, пайвандлаш усули, чокнинг ўлчами ва жойлашуви, пайвандлаш жараёнида детални махсус қотириб қўйиш ва ҳакозо. Деталлар тегнолоияпоб бўлиши учун қўйидаги талаблар қўйилди: қулайлик, ўлчамларнинг жоизлиги йиғқув ишларни қийинлаштирмаслиги; асосий деталлар ўлчамини қўйишида пайванд чоки совигандан сўнг киришиб кетишини ҳисобга олинганлиги; металл сифими сарфи ҳадди ақл даражада бўлиши; чокларни оқилона жойлаштирилиши кабилар.

2.4. Пластмасса деталларнинг технологиябоплиги

Пластмассалар металл кесувчи станокларда кесиб ишланади ва арралаш, йўниш, пармалаш, резба қирқиши, фрезалаш ҳамда жил-вирлаш ишлари бажарилади.

Пластмассалар кенг ассортиментда ишлаб чиқилиб, бир-биридан физик-механик хоссалари билан фарқ қилган ҳолда кесиб ишлашга ҳар хил таъсир етади.

Металларни кесиб ишлашга нисбатан пласмассалар қуидагилар билан фарқ қиласди:

- а) пластмасса кичик иссилик узатувчанликка ега бўлиб, асосий иссилик кесувчи асбобга ўтади;
- б) пластмасса қизиган пайтда жуда пластик бўлганлигидан кесиб ишлашда қиринди ажралиб чиқишга таъсир етади;
- в) кескичнинг олдинги юзасига қиринди ёпишиб қолишидан кесиб ишлаш қийинлашади ва кескич кесувчи қиррасига катта куч таъсир етади;
- г) кесувчи асбобнинг кесувчи қиррасига абразив таъсир этиши натижасида кескич тез ейлади;
- д) физик ва механик хоссалари ҳар хил бўлганлигидан (текстолит, тетинакс) алоҳида кескич геометриясини танлаш ва кескич қиррасининг ўткирлиги талаб қилинади;
- е) бир хил пластмассаларни (текстолит, гетинакс) кесиб ишлашда мойлаш-совутиш суюклиги ишлатиб бўлмайди, чунки кескичнинг кесув қирраси кесмадан силжиб кетади ва қиринди кескичнинг олдинги юзасига ёпишиб қолади;
- ж) мустаҳкамлиги кичиклигидан, иссиликни яхши ўтказмаганлигидан, кичик эриш ҳароратига эга эканлигидан (полистрол, органик шиша) ва яна

катта образив таъсир этишидан (микалекс) жуда катта ва ўзгармас миқдорда совутилиб туришни талаб қилади.

Шундай қилиб, пластмассаларни кесиб ишлаганда алоҳида кесиш режимлари кескич геометриясини ва шароитини танлашга тўғри келади.

Биз айримларини кўриб чиқамиз.

Йўниш. Пластмассалар қаттиқ қотиshmали ва тезкесар пўлатлар билан кесиб ишланилади. Микалекс қаттиқ қотиshmали кескич билан кесиш тезлиги 20—40 м/мин, суриш 0,15—0,25 мм/айл (дағал йўнишда), 0,05—0,10 мм/айл, (тоза йўниш) 5% фоизли эмпульсол билан совутилган ҳолда кесиб ишланилади.

Текстолит ва гетинакс катта қотиshmали кескич билан кесиш гезлиги 250—500 м/мин да ва 0,1—0,5 мм/айл суриш қийматида, тезкесар пўлат билан кесиш тезлиги 50 —150 м/мин, 0,1—0,2 мм/айл да суриш қийматида мойлашсовутиш суюқлиги ишлатилмай ёки ҳаволи совутгич ёрдамида кесиб ишланилади.

Пармалаши. Пластмассаларни пармалашда мустаҳкамлиги кичиклигидан ёрилиб кетиши (полистрол, органик шиша), қатламларнинг ажралиб кетиши (гетинакс), тешик атрофи куйиб кетишидан (текстолит) жуда аниқ режим танланиб, ҳамма технологик талабларга эътибор қилиниши керак. Микалекс ва зичланган материал

К 21 — 22. қаттиқ қотиshmали парма ёрдамида пармаланади. Бунда кесиш тезлиги 25—30 м/мин, 0,05—0,015 мм/айл суриш қийматида бўлади.

Диаметри 5 мм. гача бўлган тешикларни пармалашда тезкесар пўлатли пармалардан кесиш тезлиги 3—5 м/мин, 0,2—0,15 мм/айл да пармаланади. Текстолит, гетинакс ва органик шиша, тезкесар пўлатлар тайёрланган пармалар билан кесиш тузлиги 25—50 м/мин, суриш қиймати 0,05—0,3 мм/айл. да пармалаш амалга оширилади.

е) мустаҳкамлиги кичиклигидан, иссиликни яхши ўтказмаганлигидан, кичик эриш ҳароратига эга эканлигидан (полистрол, органик шиша) ва яна катта образив таъсир этишидан (микалекс) жуда катта ва ўзгармас миқдорда совутилиб туришни талаб қилади.

Шундай қилиб, пластмассаларни кесиб ишлаганда алоҳида кесиш режимлари кескич геометриясини ва шароитини танлашга тұғри келади.

Биз айримларини күриштіңіз.

г) мустаҳкамлиги кичиклигидан, иссикликни яхши ўтказмаганлигидан, кичик эриш ҳароратига эга эканлигидан (полистрол, органик шиша) ва яна катта образив таъсир этишидан (микалекс) жуда катта ва ўзгармас миқдорда совутилиб туришни талаб қилади.

Шундай қилиб, пластмассаларни кесиб ишлаганда алоҳида кесиш режимлари кескич геометриясини ва шароитини танлашга тұғри келади.

Биз айримларини күриштіңіз.

Йұниш. Пластмассалар қаттың қотишимали ва тезкесар пұлатлар билан кесиб ишланилади. Микалекс қаттың қотишимали кескич билан кесиш тезлиги 20—40 м/мин, суриш 0,15—0,25 мм/айл (дағал йўнишда), 0,05—0,10 мм/айл, (тоза йўниш) 5% фоизли эмпульссол билан совутилган ҳолда кесиб ишланилади.

Текстолит ва гетинакс катта қотишимали кескич билан кесиш гезлиги 250—500 м/мин да ва 0,1—0,5 мм/айл суриш қийматида, тезкесар пұлат билан кесиш тезлиги 50 —150 м/мин, 0,1—0,2 мм/айл да суриш қийматида мойлаш-совутиш суюқлиги ишлатилмай ёки ҳаволи совутгич ёрдамида кесиб ишланилади.

Пармалааш. Пластмассаларни пармалашда мустаҳкамлиги кичиклигидан ёрилиб кетиши (полистрол, органик шиша), қатламларнинг ажралиб кетиши (гетинакс), тешик атрофи куйиб кетишидан (текстолит) жуда аник режим танланиб, ҳамма технологик талабларга эътибор қилиниши керак. Микалекс ва зичланган материал

К 21 — 22. қаттың қотишимали парма ёрдамида пармаланади. Бунда кесиш тезлиги 25—30 м/мин, 0,05—0,015 мм/айл суриш қийматида бўлади.

Диаметри 5 мм. гача бўлган тешикларни пармалашда тезкесар пұлатли пармалардан кесиш тезлиги 3—5 м/мин, 0,2—0,15 мм/айл да пармаланади. Текстолит, гетинакс ва органик шиша, тезкесар пұлатлар тайёрланган пармалар билан кесиш тузлиги 25—50 м/мин, суриш қиймати 0,05—0,3 мм/айл. да пармалаш амалга оширилади.

2.5.Конструкция технологиябоплигининг технологик таннархга таъсири

Технологик таннархи барча технологик жараёнларга кетган харажат билан ўлчанади. Бу харажат икки хил бўлади. Биринчисини А- харажат дег айтамиз. У йиллик ишлаб чиқаришга пропорционал равишда ўзгаради, демак, технологик жараёнга жиддий боғлиқ. Унга қўйидагилар киради: ишчиларнинг тиш ҳақи; ускуналарни ишлатиш харажати (таъмир, электр қуввати, мойловчи ва артувчи материаллар, совутувчи суюқлик); кесувчи асболар ва мосламалар харажати. Иккинчи хил харажати В харажат деб атаемиз. У йиллик ишлаб чиқаришга боғлиқ эмас. Унга созловчиларнинг иш ҳақи , ускуналар амортизациясига ажратмалар, маҳсус мосламалар амортизациясига ажратмалар киради.

Технологик таннарх қўйидагича топилади:


$$C_t = A_d + B/H$$

бу ерда: **A_d бир деталга тўғри келадаиган харажат;**

B - деталлар микдорига боғлиқ бўлмаган бир йиллик харажат;

H - бир йилда ясалган деталлар сони;

Технологик таннархни график кўринишида тасвиrlаш мумкин 7. 14, а расмда кўрсатилишича C_t нинг H га боғлиқлиги гиперболик хусусиятга эга. Бир йиллик ишлаб чиқариш ўзгартмаган ҳолда, икки хил технологик жараённи C_t бўйича таққослаймиз (7. 14, б расм)



7.14-расм. Иккى
вариант деталлар
технология таннархининг йиллик
ишлаб чыкарыш
ҳажм, а бөлликлиги.

$$C_t = A_t H + B;$$

$$C_{ti} < C_{ti\ 2}$$

$$C_t = A_2 H + B_2$$

$$A_t H + B_1 < A_2 H + B_2$$

Технологик таннархлар билан вариантларнинг боклилиги
чизиқли күринишга эга.

Таққосланадиган варианктарнинг технологик таннархи йиллик
ишлаб чыкашининг ўайсидир бир миқдорида (уни критик ҳажм
даймиз - H_{kp}) тенг бўлади:

$$C_{ti} = C_{ti\ 2} \quad A_t H_{kp} + B_1 = A_2 H + B_2$$

$$\text{Бундан: } H_{kp} = (B_2 + B_1) / (A_1 - A_2)$$

$H < H_{kp}$ бўлганда 1 вариант мақбул $H > H_{kp}$ да эса - 2 вариант
мақбул ҳисобланади.

Технологик жараённинг у ёки бу варианти капитал маблағ талаб
қилса, харажатлар самарадорлиги чиқимини қоплаш муддати билан
ўлчанади:

$$L = \underline{\hspace{10em}}$$

Бу ерда K – технологик жараённинг варианти учун кетадиган капитал
маблағ;

T_{at} T_{M3} - биринчи ва иккинчи вариантда битта детал ясаш учун вакт меъёри;

Z_1 ва Z_2 - биринчи ва иккинчи вариантда ишчининг бир соатлик иш ҳақи;

\bar{Y}_1 ва \bar{Y}_2 биринчи ва иккинчи вариантлар ишчилар маошига устама харажатлар (дастгоҳнинг бир соатлик иши танрхига тенглаштириш мумкин).

Хулоса

Конструкциянинг технологиябоплиги деганда буюмнинг (машина ва механизмларнинг маълум бир қатор хусусиятлари тушунилади. Бу хусусиятлар буюмни ишлаб чиқаришга техник тайёргарлик куришда , ясашда ишлатишда ва таъмирлашда материал, меҳнат воситалар ва вақт сарфлари оптимал даражада бўлишини таъминланиши керак.

Бизнинг курс ишимизни мавзуси юқорида келтирилган конструкцияларни хусусиятларни чукур ўрганиш ва уларни машиналарини лойиҳалашда ҳисобга олиш кераклигини кўрсатади.

Курс иши кириш қисми ва иккита боблардан иборат.

Кириш қисмida машинасозликни тарихи ва ривожлантириши , курс ишини долзарблиги, ишда кўйилган мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ҳақида баён этилган.

Биринчи бобда конструкциялар ҳақида умумий маълумотлар , асосий қоидалар, контсрукцияларни технологиябоплигини баҳолаш мезонлар ва бошқа масалалар ечилган.

Иккинчи бобда контсрукцияларнинг ясашдаги технологиябоплиги ишлаб чиқсан, жумладан; кесиб ишлаш нуқтаи-назардан деталларнинг технологияпоблиги; қўйма деталларнинг технологиябоплиги; бошқа ишлов усуларида конструкциянинг технологиябоплиги, пластмасса деталларнинг технологиябоплиги , контсрукция технологиябоплигининг технологик таннархга таъсири.

Адабиётлар рўйхати

1. Проектирование технологии/Под общей ред. Ю.М.Соломенцева.- М.:Машиностроение.-1990,416 с.
2. Бурсев В.М. и др. «Технология машиностроения» в 2 – х томах, 1 том. Основиу технологии машиностроения. – М.: МТТУ им. Н.е. Баумана.- 1998, 553 с.
3. Колесов И.М. Основиу технологии машиностроения – М.: Виусшая школа.- 1999, 590 с.
4. Омиров А., Каюмов А. «Машиносозлик технологияси». – Тошкент. Ўзбекистон.- 2003. 304 бет.
5. Егоров М.Е, Дементьев И, Дмитриев В.А. Технология машинастроения,- М.:Висшая школа.-1976,534с.
6. Технология машиностроения.Подред.А.М. Дальского.-Издательство МГТУ им.Баумана,-1998,Том 2,640 с.
7. Ковшов А.Н.Технология машиностроения.-М.: Машиностроения 1987,320 с.
8. ДанилевскийВ.В. Технология машиностроения.-М.: Машиностроение.- 1984.-416 с.
9. НовиковМ.П. Основи технологии сборки машин и механизмов.-М.: Машиностроение .-1980.-592 с.
10. Горбацевич А.Ф. Курсовое проектирование по технологии машиностроения.-Минск: Висшая школа.-1082, 383 с.

МУНДАРИЖА

Кириш
I БОБ. Конструкциялар ҳақида умумий маълумотлар.....
1.1. Асосий қоидалар.....
1.2. Конструкцияларнинг технологиябонлигини баҳолаш.....
1.3. Йиғиш шароитлари нуқтаи –назаридан конструкциянинг технологиябонлиги
II-БОБ. Конструкцияларининг ясашдаги технологиябонлиги...
2.1. Кесиб ишлаш нуқтаи –назардан деталларинг технологиябонлиги
2.2. Қўйма деталларнинг технологиябонлиги
2.3. Бошқа ишлов усулларида конструкцияларнинг технологиябонлиги
2.4. Пластмасса деталларнинг технологиябонлиги.....
2.5. Конструкция технологиябонлигининг технологик таннархга таъсири
Хулоса
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....